

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфни хотирлаб...



10:06 / 10.03.2020 2062

Ва ниҳоят, камина ходимингиз билан бу ишнинг иссиқ-совуқларини бирга татиб, доимий ҳамдард бўлиб, ишлаш учун барча шароитларни муҳайё қилишга қўлларида келган барча ёрдамларни берган оиламизнинг барча аъзоларига чексиз миннатдорликлар изҳор этаман. Аллоҳ таоло ушбу камтарона амални ўз даргоҳида қабул этсин. Ҳаммамизни ҳидоятда собитқадам қилсин. Ва охири дуомиз оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамд бўлсин, демоқликдир.

Муаллиф: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ

Юқоридаги «Тафсири ҳилол» китобида ёзилган жумлаларни варақлар эканмиз, бундан беш йил аввал 2015 йил, 10 март куни Ислом оламида ўз мавқеига эга бўлган етук аллома, кўплаб шогирдлар етиштирган исломшунос олим, бутун умрини илмга бахшида этган ва илм улашишга бағишлаган, уммат ғамида яшаб ўтган, кўплаб асарлар ва илмий мерос қолдириб кетган фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларини эсламасликнинг иложи йўқ албатта. Шу куни шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ бу фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилдилар.

Дарҳақиқат, бугун устоз, фазилатли шайх ҳазратларини хотирлаб қалбимиз маҳзун бўлади. Бироқ биз билан замондош бўлган ҳазратнинг

қисқа вақт оралиғида қилиб ўтган ишлари, барча мўъмину муслималарга ибрат ва намунадир.

Шайх ҳазратларининг уммат учун қилган ишларидан Аллоҳ таолонинг Ўзи рози бўлсин, Ўзи раҳматига олсин, хато-камчиликларини мағфират қилсин, пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам билан жамул-жам этсин!

Islom.uz портали таҳририяти